



Ўзбек халки бой тарихий-илмий анъаналарга эга. Шу анъаналарнинг бири аждодларимиз қарийб уч минг йилдан буён кўллаб, фойдаланиб келган турли таквимлардир. Улар ҳақида ўрта асрнинг буюк алломалари Абу Райхон Беруний, Махмуд Қошғарий, Умар Хайём, Мирзо Улугбеклар ўз асарларида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Ушбу рисолада мазкур алломаларнинг асарларига суяниб ва бошқа турли тарихий, илмий-адабий манбалардан фойдаланган ҳолда Туронзамин - Туркистон халқларининг йил ҳисоблари-таквимлари ҳақида маълумот берилади.

Таквим - вақт ўлчовлари-кун, ҳафта, ой, йилни ҳисоблаш тизими. Вақт ўлчовларини белгилаш табиат ҳодисаларининг самовий ёриткичлар ҳаракати билан боғлиқ даврийлигига асосланади. Таквим ҳисобининг асоси йил бўлиб, йилнинг фасл ва ойларга бўлинишига ва давомийлигига қараб тузилган ой таквими, ой-қуёш таквими ва қуёш таквими мавжуд.

Ой таквими. Ернинг табиий йўлдоши Ойнинг бир ойлик аниқ ҳаракати - 29 кун 12 соат 44 дақиқа 2 сония муддатга асосланади. Ойнинг гарбда ўроқ шаклида кўриниши ой боши ҳисобланади. Ойнинг яна шу ҳолатга қайтиб келишигача ўтган муддат бир ойна ташкил қилади. 29,5 куннинг 12 соати ҳар икки ойда бир кун қилиб қўшиб борилади. Шунинг учун ой таквимида тоқ ойлار 30 кун, жуфт ойлар 29 кундан қилиб белгиланган. 12 соатнинг қўшимчалари (44 дақиқа 2 сония) тўрт йилда йигилиб бир кун бўлади ва у қабиса йилининг ўн иккинчи ойна охирига 29 кунни 30 кун қилиб қўшиб қўйилади. Ой таквимида оддий йил 354 кун, қабиса йили 355 кун бўлади. Ой таквими мусулмон оламининг ҳижрий йил ҳисобига асос қилиб олинган.

Ой-қуёш таквими. Ой ва қуёшнинг ҳаракатига асосланган мураккаб таквим. Бу таквимда йил 12 ой (бир йили 353-355 кун)дан, баъзан эса 13 ой (бир йили 383-385 кун)дан иборат бўлади. Ой-қуёш таквимининг ҳар 19 йилидан 12 йили 12 ойдан, 7 йили 13 ойдан қилиб ҳисобланади. Араблар жоҳилият даврида-исломдан аввал ой-қуёш таквимига амал қилганлар. Бу таквимдан яҳудийлар милоддан аввалги IV асрдан бошлаб ҳозиргача фойдаланиб келадилар. Ўрта асрларда хитойлар ҳам ой-қуёш таквими кўллаганлар.

Қуёш таквими. Бу таквим Ер қуёш атрофини бир марта айланиб чиқиш муддати - 365 кун 5 соат 48 дақиқа 46 сонияга асосланади. Бир йилни ана шу муддат билан ҳисоблаш қадимги мисрликлар, эронийлар, хоразмийлар ва бошқа халқлар таквимларига асос

килиб олинган. Куёш таквимида йил 12 ойдан иборат. Бир йил 365 кун 6 соатни ташкил килади (5 соат 48 дақиқа 46 сония яхлитланиб 6 соат килиб олинади). Уч йил 365 кундан, оддий йил, тўртинчи йил эса оддий йиллардан ортиб колган соатлар 1 кун кўшилиб 366 кун - кабиса йилидан иборат бўлади. Хозирги вақтда дунё халклари куёш таквимига асосланган йил ҳисобини қабул қилганлар. Ер қуррасидаги халқларнинг барча алоқа ва муносабатлари куёш таквими бўйича олиб борилади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, таквимлар ҳар хил бўлган. Жаҳондаги турли халқлар мазкур таквимларнинг биридан фойдаланганлар. Улар таквимни ўз ҳаётларига, турмушларига татбиқ этишни ўз тарихларида чуқур из қолдирган воқеалар давридан бошлаганлар. Ана шу воқеа, яъни таквим бошланган даврни ҳар бир халқ ўз ҳаётида тарих боши-бошлангич тарих деб қабул қилган.

Бошлангич тарих-таквим бошланиши (русча "эра")га турли халқлар турли воқеаларни асос қилиб олганлар. Масалан: яҳудийлар хилқат (дунёнинг яратилиши)ни, мисрликлар Нил дарёсининг тошишини, юнонликлар илк олимпиада ўйинларини, римликлар Рим шаҳрининг қурилишини, насронийлар Исо алайҳиссаломнинг "туғилиши" (милод)ни, мусулмонлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага ҳижратларини асос қилиб олганлар ва ҳоказо.

Тарих боши - таквим боши бўлган юқоридаги воқеаларнинг кўпи унутилиб кетган. Улардан бугунги кунда маданият дунёсида фақат милод ва ҳижрат бошлангичлари қолган ҳолос.

Демак, тарихда турли халқлар ҳар хил таквимлардан фойдаланганлар. Ҳар бир таквимни юритишнинг ўзига хос қоидалари, таквим бошининг сабаби ва бошланиш вақти, ойлар сони ва ҳар бир ойнинг неча кундан иборатлиги бошқа таквимларга солиштирилганда тафовутлар борлиги маълум бўлган. Бу тафовутларни бартараф этиш, мумкин қадар аниқликка эришиш мақсадида вақти-вақти билан таквим соҳасида ислохотлар ўтказиб туришган. Таквимни тузатиб, тўғрилаб туриш йўлидаги бу ишлар ҳукмдорлар, фалакиёт ва риёзиёт олимлари, ҳисобдонларнинг биргаликдаги маслаҳат ва таклифлари асосида амалга оширилган. Марказий Осиёда қўлланган таквимлар ва Оврупода илк ўрта асрлардан бошлаб қўлланиб келаётган милодий таквим тарихида бир неча ислохотлар бўлиб ўтгани маълум.

Туркистон заминида яшаб келаётган халқлар таквим-йил ҳисобидан фойдаланишда дунёнинг энг маданий халқларидан бири ҳисобланадилар. Бу ўлкада таквимларга амал қилиш қарийб уч минг йилдан буён давом этиб келади. Шу давр мобайнида Туркистон халқлари қадимги туркий, ҳоразмий, сугд, авесто (қадимги эрон), яздиғир, Хижрий-шамсий, Хижрий-қамарий, мелодий йил ҳисобларидан фойдаландилар. Биз қуйида Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Умар Ҳайём, Мирзо Улугбек ва бошқа олимларнинг асарларидан ҳамда турли тарихий илмий ва адабий манбалардан фойдаланган ҳолда юқорида санаб ўтилган йил ҳисобларининг бошланиши тузилиши ва амалда қўлланиши ҳақида баҳоли қудрат мулоҳаза юритамиз.

Қадимги туркий йил ҳисоби - Туркий халқларнинг энг қадимги ва илк ўрта асрларда қўллаган таквимлари, йил ҳисоблари ҳақида жуда оз маълумотлар сақланиб қолган. Бу ҳақда маълумот берувчи манбалар Абу Райхон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдғорликлар" ва Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луготут турк" асарларидир. Абу Райхон Беруний ўз асарининг уч жойида туркий халқлар таквими эслатиб ўтади. Асарнинг 103-саҳифасида қатор шарқ халқлари таквимлари ҳақида гапириб турк ва

хазарларни ҳам тилга олади: "Хинд, хитой, тибет, турк, хазар, хабаши ва занги каби бошқа миллатларнинг ойларига келсак, гарчи улардан баъзисининг номлари бизга аниқ маълум бўлса ҳам, то уларнинг барчасини билиш вақти келгунча баён этишдан тўхтадик". Беруний иккинчи марта ўз асарининг 104-саҳифасида куйидагиларни ёзади: "Булар (яъни туркий халқлар таквими)нинг микдорлари, маънолари ва кайфиятларидан воқиф бўлмадим". Шундан кейин олим туркий халқлар таквимидаги ўн икки ой номини беради: 1. Улуг ой. 2. Кичик ой. 3. Биринчи ой. 4. Иккинчи ой. 5. Учинчи ой. 6. Тўртинчи ой. 7. Бешинчи ой. 8. Олтинчи ой. 9. Еттинчи ой. 10. Саккизинчи ой. 11. Тўккизинчи ой. 12. Ўнинчи ой.

Беруний мазкур саҳифада яна турк таквими ҳақида гапириб "Турк жадвали" деган сарлавҳа остида ўн икки ҳайвон номи билан аталадиган ўн икки йиллик мучал ҳисобининг номларини ҳам келтиради: 1. Сичкон. 2. Уд (сигир). 3. Барс. 4. Товушкон (куён). 5. Луй (балик) 6. Йилон (илон). 7. Юнт (от). 8. Кўй. 9. Пичин (маймун). 10. Товук. 11. Ит. 12. Тўнгиз.

Юкоридагилардан маълум бўладики, туркий халқларнинг асосий таквими мучал ҳисобидан иборат бўлган йилнинг ўн икки ойи Беруний келтирган номлар билан аталган. Бироқ Беруний туркий халқларда қадим замонлардан бўён бирор воқеа асос қилиб олинган "Тарих боши" деб аталган, рақам билан ҳисоблаб келинадиган йил ҳисоби тўғрисида маълумот бермайди. Шу билан бирга юкорида айтилган ўн икки ойнинг кунлар микдори, оддий ва қабиса йили, йилнинг бошланиши янги куннинг қачондан ҳисобланиши қам айтилмайди. Ҳар ҳолда қадимги туркий халқларда ҳам Яқин ва ўрта Шарқдаги бошқа таквимларда бўлгани каби йил боши баҳорги тенгкунликдан бошланган. Чунки қадимги туркий халқлар кўллаган мучал йилининг биринчи куни баҳорги тенгкунликдан ҳисобланади.

XI-асрнинг буюк тилшунос олими Махмуд Кошгарий "Девону луготут турк" асарининг биринчи жилдида туркий халқларнинг таквими ҳақида қисқача тўхтаб ўтади. Махмуд Кошгарий ҳам Абу Райхон Беруний каби қадим замонлардан бери давом этиб келаётган тарих боши (эра) ҳақида кеч нарсаси демайди. Олим фақат Беруний келтиргани каби йилнинг ўн икки ойини беради. Махмуд Кошгарий туркий халқларда кунларнинг номи йўқлигини, араблар келгандан кейингина кунлар ҳафта ичидаги кун номлари билан айтилиши одат тусига кирганлигини қайд этади. Шундан сўнг тилшунос олим туркий халқлар азалдан мучал ҳисобидан фойдаланиб келаётганликларини ёзади. У мучал таркибига кирган ўн икки ҳайвон номини сичкондан бошлаб тўнгизгача санаб ўтади. Айрим олимларнинг фикрича туркий халқларда тарих боши (эра) бўлган ва у турк ҳоконлигининг 571-йилда ўрнатилишидан бошланади, дейдилар. Бу фикрни исботлаш учун Урхун-Энасой ёзувларида битилган қабр тошларидаги битикларга мурожаат қилайлик. Жумладан Култегин ёдномаси шундай тугалланади. "Култегин кўй йилида ўн еттинчи кунда ўлди. Тўккизинчи ойнинг йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битиктошини Маймун йилида, еттинчи ойнинг йигирма еттисида бутунлай тугатдик. Кул тегин қирк етти ёшида вафот этди". Юкоридаги санани Хитой йилномалари билан қиёслаб ҳисобланганда мелодий 731-йилнинг 27-феввали қелиб чиқади.

Билга ҳокон ёдномасининг хотимаси шундай: "Отам ҳокон ит йили ўнинчи ойнинг йигирма олтисида вафот этди. Тўнгиз йили бешинчи ойнинг йигирма еттисида дафн маросимини қилдирдим". Ушбу сана 734-йилнинг 26-ноябрга мувофиқ тушади.

Урхун-Энасой ёзувидаги бошқа йирик ёдномаларда ҳам хотимада қитобат тарихи

юкоридаги тартибда берилади. Яъни ойнинг сони, унинг куни ва мучалдаги хайвон номи кайд этилади. Азалдан давом этиб келаётган тадрижий йил ҳисоби-тарих боши (эра) бўлганда, Абу Райхон Берунийдек синчков олим албатта кўрсатиб ўтган бўлар эди. Абу Райхон Беруний, Махмуд Кошгарий асарларида ва бошқа манбаларда туркий халкларнинг асл йил ҳисоби 12 хайвон номи билан аталувчи мучал ҳисоби билан юритилган. Бу ҳисоб туркий халклардан ташкари мўгул ва хитой халкларида ҳам мавжуд. Бу ҳисоб кейинчалик Осиёнинг бошқа халқларига ҳам тарқалган.

Хоразмий йил ҳисоби - кадимги хоразмда яшаган хоразмийларнинг қуёш таквимига асосланган йил ҳисобидир. Абу Райхон Берунийнинг хабар беришича хоразмий йил ҳисоби Ўрта Осиёдаги энг кадимги йил ҳисоби ҳисобланади. Бу таквим Берунийнинг кўрсатишича Искандар Зулқарнайндан 980 йил аввал бошланган яъни, мелоддан аввалги минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Абу Райхон Беруний яшаган даврда хоразмий йил ҳисоби икки минг йилдан ошиб кетган бўлади. Хоразмий таквимида бир йил 12 ойга бўлинган ва ҳар бир ой 30 кундан иборат бўлган. Қўшимча 5 кун йил охирида 12-ойга қўшилган ва бир йил 365 кунни ташкил этган. Ҳар йили қолдиқ сифатида ортиб қоладиган чорак кунга хоразмий таквимида эътибор берилмаган. Янги йил баҳорги тенгкунликдан бошланган. Ой номлари Абу Райхон Беруний асарида икки хил тўлиқ ва қисқартирилган шаклларда келтирилади. Ойларнинг тўлиқ номи жуда узун бўлиб, қўпчилик товушларни ундош ҳарфлар ташкил қилади. Беруний хоразмийча ой номларининг қисқартирилган шаклини қуйидагича келтиради: 1. Новсоржий. 2. Ардвст. 3. Хрвдод. 4. Жирий. 5. Хмдод. 6. Ахшриврий. 7. Авмрий. 8. Енохи. 9. Арв. 10. Римжд. 11. Аршмн. 12. Исфандоражий. Беруний ойларнинг тўлиқ номини берган бўлса-да, аммо кундалиқ иш юритишда ва маъмурий ҳужжатларда ойларнинг юкорида келтирилган қисқа шаклидан фойдаланилган. [^]Л/Ш аср кадимги хоразмий ёзуви ҳужжатларида ва ХП-Х[^] аср араб-хоразм ёзуви манбаларида ой номлари юкоридаги шаклларда қўлланади. 12-ойга қўшиладиган 5 куннинг махсус номи йўқ. Кадимги эрон (авесто) ва сугд таквимида бўлгани каби хоразмий таквимида ҳам ойнинг ҳар бир куни (30 куни) алоҳида-алоҳида ном билан юритилган. Беруний 30 кунга қўйилган 30 хил номни ҳам беради.

Хоразмий таквими атамалари хоразмий ёзуви ва хоразмий тили истеъмоладан чиқиши билан бутунлай унутилиб кетди. Айрим атамалар XIV аср хоразмий тили ёдномаси "Қунят ул-мунё"да учрайди ҳолос.

Сугд таквими. Хоразмий таквимига жуда яқин бўлган сугд таквимининг вужудга келишида хоразмий таквими асос бўлган бўлса ажаб эмас, чунки хоразмий тили билан сугд тили қўп жихатдан бир-бирига яқин туради. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки хоразмий ойларининг номлари ҳам, сугд ойларининг номлари ҳам лугавий жихатдан қандай маъно бериши номаълум. Бу ҳақда Абу Райхон Беруний ҳам тўхталмайди. Хоразмий тилидаги ва сугд тилидаги ҳужжатларда ҳам ойларнинг қандай маъно англатиши ҳусусида маълумотлар йўқ.

Сугд йил ҳисоби - Марказий Осиёда яшаган сугдийларнинг қуёш таквимига асосланган йил ҳисоби. Сўгд таквими кадимги эрон (авесто) ва хоразмий таквимларига жуда яқин бўлган. Бир йил 12 ой ва ҳар бир ой 30 кундан ташкил топган. Ортиқча беш кун йилнинг 12-ойи охирига қўшилган. Бу беш кун алоҳида ном билан айтилган. Ҳар йили қолдиқ

сифатида йигилиб борадиган чорак куннинг тўрт йилда тўла бир кун бўлишига эътибор килинмаган. Янги йил баҳорги тенгкунликдан бошлаган. Сугд ойларининг тартиби ва номлари куйидагича: 1.Навсард. 2.Жаржин. 3.Найсанж. 4.Басоканж. 5.Ашнханда. 6.Мажнда. 7.Фаркон. 8.Обонж. 9.Фуг. 10.Масфуг. 11.Жамданж. 12. Хашвим. Ойлар номларининг ўкилиши ва айтилишида айрим тафовутлар бор. Чунки кўлёзма манбаларда (Абу Райхон Беруний асарларида ҳам) сугд ойларининг номи факат ундош товушлар билан ёзилган. Ундошлар орасидаги унлилар ёзилмаган. Сугдийлар ҳам кадимги эронликлар каби ойнинг ҳар бир кунига (30 кунга) алохида-алохида ном берганлар. Сугд йил ҳисоби қачондан бошланганлиги ва қайси воқеа асос қилиб олинганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Абу Райхон Берунийнинг хабар беришича сугд таквими анча қадимдан мавжуд бўлса-да расмий йил ҳисоби милодий 413 йилдан бошланган. Сугд таквими оид атамалар ва йил ҳисоби саналари ^-Х асрларга оид тангалар, битиклар, мактублар ва расмий давлат ҳужжатларида тез-тез учраб туради. Сугд тили ва ёзувининг муомаладан қолиши билан сугд таквими ҳам аста-секин нутила бошлади.

Авесто йил ҳисоби - Эрон ва Марказий Осиё халклари кўллаган энг қадимги йил ҳисоби, таквим. Бу таквим зардушт таълимоти билан бирга вужудга келганлиги учун зардушт таквими, ой номлари ва бошқа ҳамма атамалари "Авесто" китобидан олинганлиги учун авесто таквими ҳам дейилади. Эронда қўлланган энг қадимги таквим бўлганлиги учун ҳозирги илмий адабиётларда қадимги эрон таквими номи ҳам ишлатилади.

Зардушт йил ҳисоби қуёш йилига асосланган бўлиб, 12 ойдан иборат. Ҳар бир ой 30 кун, яна қўшимча 5 кун бор. Бу 5 кун алохида ой ҳисобланади. Таквимдаги 12 ойнинг номи "Авесто"даги маъбудаларнинг номига бориб такалади. Ой номларидан ташқари ой таркибига кирган кунлар (30 кун) нинг ҳам алохида-алохида номлари бор. "Авесто"нинг милодий VI асрда сосонийлар даврида тузилган матнида ойлар ва кунларнинг тўлиқ номи рўйхати келтирилган. Бироқ баъзи таквим атамалари "Авесто"нинг энг азалий қисмлари деб ҳисобланувчи милоддан аввалги VIII-VII асрларда таркиб топган. "Готлар"да ҳам учрайди. Зардушт таквими қачон ва қаерда тузилганлиги тўғрисида фанда ҳозирча аниқ маълумот йўқ. Олимларнинг тахмин қилишича бу таквим Шаркий Эрон ёки Марказий Осиёда милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида тузилган. Дастлаб, ғарбий Эронда Ахмонийлар даврида расмий давлат таквими сифатида қабул қилинган (илмий адабиётларда қадимги эрон йил ҳисоби деб аталишининг сабаби ҳам шу). Бу ҳолат Ахмонийлар даврида зардушт динининг кенг ёйилиши билан изоҳланади Зардушт таквими Хиндистонда ҳозирги вақтда истикомат қилаётган зардушт жамоаларининг таквими билан қиёслаб қўрилганда мазкур таквим ғарбий Эронда Ахмонийлар даврида милоддан аввалги 505,490,484,481, ва 441 саналарнинг биридан бошланган деб ҳисоблаш мумкин. Абу Райхон Беруний ўзининг "Хронология" асарида юқоридаги йилларнинг энг охиригиси-милоддан аввалги 441 йилни энг тўғри сана деб олади ва зардушт таквими шу йилдан бошланган деб кўрсатади. Зардушт таквими 365 кун, ҳар бири 30 кундан тузилган 12 ой ва яна 5 кундан иборат, тўрт йилда яна 1 кун орттирилган. Демак, ҳар тўрт йилда (қабиса йилида) 12-ойнинг охирига 5 кун эмас, 6 кун қўшилган. Зардушт йил ҳисоби қадимги эрон манбаларида - Бехстун ва Накши Рустам китобаларида ҳамда бошқа ёзма ёдгорликлар ва ҳужжатларда тез-тез тилга олинади. Шундай қилиб зардушт таквими Ахмонийлар давридан бошлаб давлатнинг иш юритиш бўйича расмий таквими бўлиб қолади. Шу билан бирга бу таквим

зардушт дини байрамлари, расм-русумларини олиб боришда диний таквим ҳам бўлиб колаверади.

Зардушт ойларининг номлари:

1. Фарвардинмох,
2. Орди - беҳиштмох,
3. Хурдодмох,
4. Тирмох,
5. Мурдодмох,
6. Шахривармох,
7. Меҳрмох,
8. Обонмох,
9. Озармох,
10. Даймох,
11. Бахманмох,
12. Исфандармазмох.

Хар бир ойда 30 куннинг махсус номи ҳам бўлган улар куйидагилар:

1. Хурмуз,
2. Бахман,
3. Урдубеҳишт.
4. Шахривар,
5. Исфандармаз,
6. Хурдод,
7. Мурдод,
8. Дайба озар,
9. Озар,
10. Обон,
11. Хур,
12. Мох,
13. Тир,
14. Жўш,
15. Дайба меҳр,
16. Меҳр,
17. Саруш,
18. Рашн,
19. Фарвардин,
20. Бахром,
21. Ром,
22. Бод,
23. Дайбадин,
24. Дин,
25. Ард,
26. Аштоз,
27. Асмон,

28. Зомёз,

29. Морасфанд,

30. Анирон. Ўттиз кунга атаб кўйилган мазкур номлар йилнинг ўн икки ойидаги ҳамма кунларга тааллуқли бўлган.

Кадимги Эрон йил ҳисоби, яъни зардушт йил ҳисоби милодий 632 йилгача қўлланиб келди. 632 йилда сосоний подшоҳлардан Яздгирд III зардушт таквими ҳисоб килди.

Янги таквим шу подшоҳнинг номи билан Яздгирд таквими номини олди. Бошланиш вақти ҳам Яздгирд III нинг тахтга ўтирган куни - милодий 632 йил 16 июндан ҳисобланди.

Кадимги эрон, яъни зардушт таквими атамалари, ҳусусан ойномлари форс-тожик ва туркий манбаларда ўрни-ўрни билан учраб туради. Мазкур атамалар кўпроқ эроний ва туркий халқларнинг энг қадимги зардушт таълимоти билан боғлиқ расм-русумлари, урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда тилга олинади.

Умар Хайём "Наврўзнома" асарида юқоридаги ойларнинг лугавий маъносини қуйидагича талкин қилади. (Изоҳ: Умар Хайём ойларнинг номини асли Авесточа демасдан Пахлавий тилида деб айтади. Чунки Умар Хайём давригача Авесто тилидаги сўзлар Пахлавий тилига, пахлавий тилидаги сўзлар янги форс тилига ўтиб келарди. Шунинг учун Умар Хайём ой номларини Пахлавийча деб тушунтиради).

Биз Умар Хайём сўзларини айнан келтирамиз.

1. Фарвардин - пахлавийча сўз ва унинг маъноси айнан жаннатлар бўлиб, бу ой ўсимликлар ўсишининг бошланишидир. Бу ой Хамал буржиги оид. Бинобарин, ойнинг бошидан то охиригача офтоб шу буржда бўлади.

2. Ордбихишт - бу ойда дунё ўзининг кўкариши ила жаннатмонанддир. Урд пахлавий тилида "монанд" дегани. Офтоб бу ойда хақиқий айланиши бўйича Савр буржида бўлади. Бу ой баҳорнинг ўртасидир.

3. Хурдод - одамларни бугдой, арпа ва мевалар билан боқади. Офтоб бу ойда Жавзо буржида бўлади.

4. Тир - бу ойни "тир" атадилар, чунки бу ойда бугдой, арпа ва бошқа нарсаларни тақсим қиладилар. Офтобнинг авжи пасая бошлайди. Саратон буржида бўлади. Бу ой ёз ойининг биринчисидир.

5. Мурдод - тупрок берди, яъни унда етилган мева ва сабзавотларни берди. Яна бу ойда ҳаво тупрок тўзонига ўхшайди. Бу ой ёз ўртасидир. Офтоб Асад буржида бўлади.

6. Шахривор - бу ойни шахривор дейдилар, чунки бу даромад ойидир, яъни, подшоҳларнинг даромадлари шу ойда тўғри келади. Бу ойда дехқонга ўлпон тўлаш осон. Офтоб Азро (Сунбула)да бўлади. Бу ёзнинг охиригача ойи.

7. Меҳр - бу ойни меҳр дейишади, чунки у инсонлар ўртасидаги дўстлик ойидир ва пишган барча мева ва бошқа нарсалар ҳамда ўзларининг улушларига текканини бирга баҳам кўрадилар. Офтоб бу ойда мезонда бўлади, яъни кузнинг бошланишидир.

8. Обон - яъни бу ойда бошланган ёгинлардан сув кўпаяди ва одамлар экинларини сугорадилар. Офтоб бу ойда Акрабда бўлади.

9. Озар - пахлавий тилида озар "олов" деганидир. Бу ойда об-ҳаво совий бошлайди ва оловга муҳтожлик пайдо бўлади, яъни бу олов ойидир. Офтоб бу ойда қавс буржида бўлади.

10. Дай - пахлавий тилида "дай" девни англатади. Бу ойни "дай" дейишларига сабаб, у қахрли ва бу ойда ер кўкаришдан йироқдир. Офтоб Жадида бўлади. Бу кишнинг биринчи ойи.

11. Бахман - бунинг маъноси "ўшанга ўхшаган" демакдир. Чунки бу ой ўша дай ойига

ўхшаб совук ва курукдир. Офтоб бу ойда Зухал хонасида, далвинг жади билан туташ ерида бўлади.

12. Исфанд - бу ойни исфанд дейдилар, чунки исфанд пахлавий тилида мевани англатади, яъни бу ойда мевали дарахт ва ўсимликлар кўкара бошлайди. Офтоб бу ойда охириги Хут буржиги етиб келади.

Кадимги Эрон ойлари юкорида айтилганидек 30 кундан бўлиб, хар бир куннинг авесто тилида махсус номи бор. Алишер Навоий асарларида ҳам кадимги эрон ойларининг хаммаси тилга олинади. Айрим холларда Навоий кадимги эрон ойларининг номларини бурж ойларининг номлари билан алмаштириб кўллайди. Чунончи: хамал ўрнида фарвардин, савр ўрнида ордбеҳишт, жавзо ўрнида хурдод, саратон ўрнида тир ва шунинг кабилар. Кадимги Эрон йил ҳисоби, яъни зардушт таквими зардушт дини нуфузининг тобора пасайиши билан мелодий биринчи минг йилликнинг охириларида унитила бошлаган. Бирок ҳозирги даврда Хиндистоннинг Бомбай шаҳри ва унинг атрофларида истикомат қилаётган зардушт жамоалари ўз таквимларини ҳамон саклаб келмоқдалар. Улар зардушт байрамлари, маросимлари ва урф одатларини ўтказишда мазкур таквимга амал қиладилар.

Яздигирд йил ҳисоби - куёш таквимига асосланган. Бу йил ҳисоби ўрта Осиё ва Эронда тўрт ярим аср кўлланди. Яздигирд йил ҳисоби мелодий 632 йил 16 июнь - хижрий II йил 21 рабеъулаввалдан бошланади. Бу сана сосонийларнинг сўнгги шоҳи Яздигирд III нинг тахтга чиқиши билан боғлиқ (хукмронлик йиллари 632-651). Яздигирд III таквими 365 кун бўлиб, 12 ойга бўлинади. Ойлар номи кадимги эрон (зардушт) таквимидаги ойлар номи бир оз ўзгартириб, соддалаштириб олинган. Улар қуйидагича: фарвардин, ордбеҳишт, хурдод, тир, мурдод, шаҳривар, меҳр, обон, озар, дай, баҳман, исфанд. Хар бир ой 30 кундан ҳисобланади. кўшимча 5 кун 12-ой исфанд охирига кўшилади. Абу Райхон Берунийнинг кўрсатишича бу 5 кун кадимги эрон тилида "панжи" ёки "андаргоҳ" деб аталган. Кейинчалик араб тили Эронга кириб келгандан сўнг мазкур сўз арабчалаштирилиб "андаржоҳ" дейилган. Берунийнинг ёзишича "андаржоҳ" кунлар доимо 12-ой охирига ёки бошқа ойлар охирига кўшилмай, баъзан саккизинчи (обонмоҳ) ва тўккизинчи (озармоҳ) ойлар ўртасига ҳам кўйилган. Янги йил - фарвардин ойининг 1-куни баҳорги тенг кунлик кирган (21 март)да бошланади. Яздигирд таквимида хар тўрт йилда йигилиб қолган бир кун 120 йилда бир ойни ташкил қилган. Шу бир ой 120 йилда 13-ой ҳисобланиб 120-йилнинг биринчи ойдан кейин кўшилган ва фарвардин икки деб аталган. 240-йилда эса бу 13-ой иккинчи ой ордбеҳишдан кейин ордбеҳишт икки деб аталган ва, ниҳоят, 360-йилда учинчи ойга хурдод икки деб кўшилган.

Яздигирд йил ҳисобини кўллашда маълум кийинчиликлар тугилди. Шунинг учун мелоднинг 1079 йили (Яздигирд III таквими бўйича 447 йил) Эронда хукмронлик қилган султон Жалолиддин Маликшоҳ ибн Алп Арслон Салжук (хукмронлик йиллари 1072-1092) буйруғи билан ислоҳ этилди. Яздигирд йил ҳисоби ўрнига хижрий шамсий йил ҳисоби жорий этилди.

Араб истилосидан кейин қарийб тўрт ярим аср Эроннинг давлат таквими бўлиб хизмат қилган Яздигирд йил ҳисобидан Эрондан ташқарида бўлган бошқа ўлкалар, хусусан ўрта Осиё халклари ҳам фойдаландилар. VII-XII-асрларда Эрон ва ўрта Осиёда яратилган ёзма манбаларда - ҳужжатлар ва китобларда сана яздигирд таквими билан қайд этилади. Айрим муаллифлар ва қотиблар ўзлари яратган асарнинг ижодий тарихини ёки кўчирган кўлёзмаларининг китобат тарихини яздигирд йил ҳисоби билан берадилар.

Шуни ҳам айтиш керакки яздигирд йил ҳисоби XI асрда бекор қилинган бўлса-да, айрим олимлар, котиблар амалда уни XIII асрларга қадар қўллайдилар. Чунончи: Абу Райхон Берунийнинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган "Ат-тафҳим" асарининг 3423 раҳамли нусхасининг китобат тарихи яздигирд йил ҳисоби билан кўрсатилган. "Ат-тафҳим"нинг мазкур нусхаси Яздигирд ҳисоби билан 628 йил меҳр ойида кўчириб тугалланган. Ушбу сана хижрий билан 661 йилга, милодий билан 1261-1262 йилга тўғри келади. XIII аср охириларида котиблар яздигирд йил ҳисобини бутунлай унутдилар ва фойдаланмай қўйдилар.

Хижрий-шамсий йил ҳисоби - тарих боши (эра)ни пайгамбар Мухаммад алайҳиссалом хижратларидан олган ва куёш (Шамс)нинг бир йиллик ҳаракат муддатига асосланган йил ҳисоби. Милодий 1079 (Яздигирд ҳисоби билан 447) йилда Эронда ўрнатилган Буюк Салжук давлатининг учинчи султони Жалолиддин Маликшоҳ ибн Алп Арслон (хукмронлик йиллари 1072-1092) Яздигирд йил ҳисобини ислоҳ этиш тўғрисида буйруқ беради. Таквим ислоҳи махсус тузилган хайъат томонидан ўрганиб чиқилади. Хайъатга фалакийёт ва риёзийёт олими файласуф ва шоир Умар Хайём (1040-1123) раҳбарлик қилади. Янги таквимни тузишдан мақсад йилнинг бошланишини баҳорги тенг кунликка тўғрилаш эди. Ваҳоланки, Умар Хайём даврида янги йилнинг бошланиши баҳорги тенгкунликдан деярли бир ҳафта узоклашиб 14-16 мартга тўғри келиб қолган эди. Агар янги йил 20, 21 ёки 22 мартдан бошланса мақсадга мувофиқ бўларди. Умар Хайём бошчилигидаги хайъат янги йилни баҳорги тенгкунликдан бошлайди ва бунинг учун қабиса йили танлаб олинади. Бу таквимда ҳам яздигирд йил ҳисобидаги қабиса бир йил 12 ойга бўлинади ва ҳар бир ой 30 кундан иборат бўлади. Бу таквимда яздигирддан фарқли ўлароқ қабиса йилида 6-кун ҳам қўшилган. Қабиса йилнинг тартиби қуйидагича бўлган: ҳар 33 йил бир давр (цикл) ҳисобланган. Унда саккиз марта қабиса йили қелган. Бунда қабиса куни етти марта 4-йил охирига, саккизинчи қабиса куни эса 5-қабиса йили охирига қўшилган. Бу таквим хижратнинг 1-йили (милодий 622 йил) дан бошлаб ҳисобланди. Аммо унинг амалиётга қирган ва татбиқ этилган куни хижрий 471 йил 10 рамазон, яздигирд 448 йил 19 фарвардин, милодий 1079 йил 16 мартга тўғри келди. Ушбу сана хижрий-шамсий ҳисоби бўйича 458 йилнинг биринчи бошланиш куни - баҳорги тенг келиш куни (наврўз) бўлди. Бошқача айтганда хижрий-шамсий йил ҳисоби бошланиш вақтини хижратнинг 1-йилидан олган бўлса ҳам ўз тарихининг 458 йилидан амалиётга қиртилди. Бу таквим салжукий султон Жалолиддин Маликшоҳ ибн Алп Арслон номи билан қабиса таквими деб ном олди. Айрим илмий адабиётларда мазкур таквимни тузишда фаол қатнашгани учун олим ва шоир Умар Хайём номи билан Умар Хайём таквими деб ҳам ёзилади. Яна айрим манбаларда бу таквим туркий халқлар томонидан барпо этилган салжукийлар давлатида татбиқ этилгани учун турк таквими деб ҳам айтилади. Турк таквими милодий (григорий) таквимига нисбатан хатоси оз эди. Агар турк таквими ўн минг йилда бор-йўғи икки кунлик фарқка учраса, григорий таквимида бу фарқ жуда катта эди. Хижрий-шамсий йил ҳисобида аввалги таквимдаги анъанавий ой (фарвардин, ордбехишт, хурдод, тир, мурдод, шаҳривар, меҳр, обон, озар, дай, баҳман, исфанд) номлари сақланиб қолди. Қабиса таквими XIX аср ўрталаригача Эронда қўлланди. Кейинроқ хижрий-шамсий таквими ислоҳ этилиб ойларнинг кун миқдори бурж ойларининг кун миқдорига тўғриланади. Шу вақтдан бошлаб хижрий-шамсий таквимида қабиса эрон ойларининг номи билан бурж ойларининг номи ҳам баробар қўллана бошлади. Уларнинг тартиби шундай: фарвардин - қабиса (қўй), ордбехишт - савр (хўкиз),

хурдод - жавзо (эгизак), тир-саратон (кискичбака), мурдод- асад (арслон), шахривар - сунбула (бошок), меҳр - мезон (тарозу), обонакраб (чаён), озар - кавс (ёй), дай - жади (эчки), бахман - далв (ковга), исфанд - хут (балик). Хозирги вақтда Эронда расмий давлат таквими сифатида амал

килаётган хижрий-шамсий йил ҳисобида дастлабки олти ой 31 кундан, кейинги беш ой 30 кундан ва охириги бир ой 29 ёки 30 кундан бўлади. Эронда бурж ойларининг номлари ишлатилса ҳам расмий ҳужжатларда кадимги эрон ойларининг номи ёзилади.

Ўзбекистонда ва Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларда хижрий-шамсий таквимдан фойдаланилганда бурж ойларининг номи айтилади. Чунончи хижрий-шамсий ҳисоб билан 1378 йил мезон ойининг 5-куни (милодий ҳисоб билан 1999 йил сентябрь ойининг 26-куни), каби. Хижрий - шамсий таквими йилнинг муайян вақтида - баҳорнинг биринчи куни (наврўз)да бошлангани учун фасллар, иқлим, оби-хаво ва табиатда юз берадиган бошқа такрорий, даврий ходисаларни кузатиб боришда жуда қулай. Шунинг учун Эрон, Афғонистон, Туркия, Марказий Осиё мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам кишлок ҳўжалиги билан боғлиқ барча ишларни олиб боришда мазкур таквимдан фойдаланилади.

Хижрий-камарий йил ҳисоби - тарих (эра) бошини Мухаммад Пайгамбар

хижратларидан олган ва ой (камар) таквимига асосланган йил ҳисоби. Бу йил ҳисоби анча узок тарихга эга. Арабистон ярим оролида яшаган кадимги халқлар милоддан аввалги минг йилликда ой таквими кўллаганлар. Араблар исломдан икки юз йилча олдин (милодий V аср бошларида) ой-куёш таквимида фойдаланишга ўтган эдилар. Ой-куёш таквимида 24 йиллик давр (цикл) мавжуд бўлиб, бу такрорланиб турар эди. 24 йилнинг 9 йили 13 ойлик, 15 йили 12 ойлик бўларди. Йилга ортиқча бир ой (яъни 13-ой) қўшишни ва шу ойнинг ўзини наси деб аталган. Наси оyi камарий ва шамсий йил ораларидаги фарқни йўқотиш мақсадида, бу фарқ бир 5 ойга тўлганда камарий йилга қўшимча 13-ой сифатида қўшилган. Бу таквим бўйича, яъни исломгача араб ойлари йилнинг муайян вақтида бошланган (Араб ойлариинг кадимги лугавий маъноси ҳам шундан хабар беради).

Араблар кўллаган ой-куёш таквимидаги ойларнинг тартиби, ном ва маъноси қуйидагича эди:

1. Мухаррам. Таъкикланган, манъ этилган, мукаддас маъноларини беради. Бу ойда диний анъаналар бўйича уруш ва ҳарбий юришлар олиб бориш мутлақо таъқиқланган. Бу ҳолат еттинчи (ражаб), ўн биринчи (зулкаъда) ва ўн иккинчи (зулҳижжа) ойларига ҳам тааллуқли бўлган.
2. Сафар. "Сарик", "заъфарон" деган маънони беради. Бу ойда араблар бошига огир кулфат тушиб, баданларига огир халок килувчи яра тошар эди. Шу касалга дучор бўлган беморларнинг ранги саргайиб кетар эди.
- 3-4. Рабиъ ул-аввал ва рабиъ ул-охир. "Рабиъ" сўзи араб тилида "баҳор" маъносини беради. Аммо кадимги араблар, "рабиъ" сўзини "куз" маъносида ҳам кўллаганлар. Ушбу ҳар икки ой куз фаслида келгани учун "биринчи куз" ва "иккинчи куз" маъноларини англатган.
- 5-6. Жумодиул аввал ва жумодиул охир. Бу ойларнинг номи "жамада" сўзидан олинган бўлиб, "котиб қолмок", "музламок" маъносини беради. Ушбу ҳар икки ой йилнинг сув яхлаб котиб қоладиган даврига, яъни қиш фаслига тўғри келган.
7. Ражаб. "Иржоб" сўзидан олиниб, "уруш ва ҳужумлардан ўзингизни сақланг" деган

маънони беради.

8. Шаъбон. "Ташаба" сўзидан олиниб "тармокланмок", "таркалмок" маъносини беради. Бу ойда араблар хужумлар уюштирар эдилар.

9. Рамазон. "Рамада" сўзидан олиниб "ёндирум", "жазирама ой" маъноларини англатади. Бу ой ёзнинг энг иссик вақтига тўғри келгани учун шундай аталган.

10. Шаввол. "Шала" сўзидан бўлиб, "кўтармок", "кўтарилмок", "олиб бормок", "кўчирмок" маъноларини беради. Бу ойда араблар орасида "шаввилу" хитоби, яъни "ўз яшаб турган жойларингиздан кўзгалинглари" сўзлари янграб турган.

11. Зулқаъда. "қаъда" сўзи "ўтирум", "ўз уйида колмок" маъноларини ифодалайди.

12. Зулхижжа. "Хаж" сўзидан олиниб "хаж килиш" маъносини беради. Қадимги араблар Қаъбага келиб шу ойда хаж қилганлар.

Аввал вақти-вақти билан қўшиб келинган 13-ой "наси" Мухаммад пайгамбар томонларидан милодий 631 йилда бекор қилинди. Араблар энди фақат камарий таквимга, камарий ойларга ўтдилар. Шундан кейин араб ойлари аввалги номларининг лугавий маъносини йўқотди, бир йил 365 кун эмас 354 кунга айланди, йил боши - 1-муҳаррам аввалгидек ҳар йили муайян вақтда эмас, олдинги йилга нисбатан 11 кун барвақт келадиган бўлди. Наси оyi таъқиқланиб камарий таквимга ўтилганлиги Мухаммад пайгамбар томонларидан эълон қилинганлиги сабабли бу таквим Мухаммад таквими ҳам дейилади.

Ислом дини вужудга келгач, мусулмонлар диний ва дунёвий ишларини олиб боришлари учун ўзларига ҳос таквим-тарих бўлишига зарурат тугилди. Бу муҳим масала иккинчи халифа Умар разиаллоҳу анҳу (халифалик йиллари милодий 634-644) даврларида муҳокама қилинди ва ҳал этилди.

Милодий 631 йилда мусулмонлар камарий ойларга тўла ўтган бўлсаларда, халифаликнинг дастлабки йилларида воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлган вақтини фақат ой номи ва шу ойнинг маълум кунини қайд этиш билан чекланар эдилар. Ойга қўшиб айтиладиган сана (йил) ҳисоби йўқ эди. Мусулмонлар ўртасида ёзилган хат-хужжатларга сана қўйиш одати бўлмаган. Бир куни бир киши халифа Умар ҳузурларига келиб шаъбон ойида тўланиши керак бўлган қарз ҳақидаги хужжатни кўрсатади. Шунда Умар "бу хужжат қайси шаъбонга тегишли? Ўтган йили шаъбонгами ёки бу йилги шаъбонгами?" - деб сўрайдилар. Худди ўша пайтларда Жазира вилоятининг волийси Абу Мусога иккита буйруқ ёзиб берилади. Бу буйруқларнинг бири иккинчисига сира тўғри келмас, бошқа-бошқа эди. Уларнинг қайси бири олдин, қайси бири кейин ёзилганлигини билолмаган Абу Мусо халифа Умардан сўрайди. Чунки ҳар икки буйруқда ҳам сана йўқ эди. Нихоят, халифа Умар ўз атрофига мўътабар кишиларни тўплаб машварат ўтказди. Тўпланганларнинг барчаси бир овоздан ой ҳисоби билан иш юритишни маъқул деб топдилар. Чунки диний аҳкомларни камарий тарихдан бошқача юргизиш мумкин эмас эди. Зеро, пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ҳам вафотларидан бир оз олдин ой-куёш таквимидаги "наси" ойини бекор қилиб фақат ой ҳисобини қолдирган эдилар. Машварат катнашчилари ўша вақтгача қўлланиб келган камарий ой номларини ҳам сақлаб қолишни лозим кўрдилар. Бу ойлари араб аҳли ўртасида жуда машҳур эди. Ҳозир бўлганлар таквим боши - тарих (эра) бошини қайси вақтдан, қайси воқеадан бошлаб ҳисоблашга оид турли фикрларни ўртага ташладилар. Баъзилар пайгамбарнинг таваллуд кунларидан деса, баъзилар пайгамбарликнинг қилишидан тарих бошлашни айтдилар. Охири ҳазрати Али ибн Абу Толиб ислом таквими - тарихини пайгамбарнинг Маккадан Мадинага қўчиб ўтишлари - хижратларидан

бошлашни таклиф этдилар. Бу таклиф маъкулланди ва қабул қилинди. Пайгамбарнинг Маккадан Мадинага хижрат қилиб етиб борган вақтлари - рабиъ ул аввал ойидан 11 кеча ўтганда - душанба куни воқеъ бўлган эди. Бу милодий ҳисоб билан 622 йилнинг 23 сентябрь кунига мувофиқ келади.

Халифа ҳазрати Умар разиаллоху анху ҳузурларида исломнинг таквим боши ва тарих бошини қабул қилишга бағишланган мазкур машварат мажлиси хижратдан 17 йил кейин - 17 йил муҳаррам ойининг 1-куни (милодий 638-йил 23 январь) бўлган эди. Хижрат эса юқорида айтилганидек, рабиъул аввал ойининг 11 кунда, яъни ой санасининг 3-ойида бўлиб ўтган. Ваҳоланки, арабларда аввалдан йил боши муҳаррам ойининг 1-кунидан ҳисобланган. Шу сабабли тарихий воқеаларни ҳисоблаганда чалкашлик содир бўлмаслиги учун хижрат воқеъ бўлган 3-ойдан олдинги 1- ва 2- ойлар (муҳаррам, сафар) ҳам хижрат йил ҳисобига қўшиб олинди ва муҳаррам йил боши бўлиб қолди. Яъни, аниқ қилиб айтганда, хижрий ҳисобнинг 1-йилининг 1-куни муҳаррам бўлиб қолди. Бу санани милодийга айлантирганда 622 йилнинг 16 июлига мувофиқ тушади. Дунё бўйича шарқшунос олимлар томонидан тузилган милодий ва хижрий таквимнинг мутаносиблик (синхрон) жадвалларида хижрий йилнинг биринчи куни милодий 622 йил 16 июль-жумъадан бошланади. Хижрий камарий ҳисобда бир йил 354 кун бўлади. Ток ойлар (муҳаррам, рабиъул аввал, жумодиул аввал, ражаб, рамазон, зулкаъда) - 30 кундан, жуфт ойлар (сафар, рабиъулоҳир, жумодиюлоҳир, шаъбон, шаввол, зулҳижжа) - 29 кундан ҳисобланади. Хижрий - камарий таквимда қабиса йили муайян тартибда қелмайди. Баъзан уч йилдан кейин, баъзан икки йилдан кейин келади. Умуман, хижрий ҳисобда ҳар 30 йилнинг 11 таси қабиса йили бўлиб келади. Чунончи 1391-1420 йилларнинг 1393, 1396, 1398, 1401, 1404, 1406, 1409, 1412, 1415, 1417, 1420 йили қабиса ҳисобланади. Ана шу йилларда 1 кун орттирилади охириги ой зулҳижжа 29 кун эмас, 30 кун қилиб олинади.

Хижрий йил милодий йилга нисбатан қисқарок (354 ёки 355 кун) бўлгани учун йил боши -1-муҳаррам ҳар йили маълум вақтда қелмайди. Қелгуси йил олдинги йилга нисбатан 10, 11 ёки 12 кун (йилнинг оддий ёки қабиса бўлишига қараб) эртарок келади. Бу давра 33 йил давом этиб, хижрий йил боши - 1-муҳаррам 33 йил олдин бошланган кунга ёки шу кун яқинига айланиб келади. Хижрий йил билан милодий йил орасида 10, 11 ёки 12 кун йигилиб бориб, 33 йили хижрий - камарий ҳисобда 34 йилга баробар бўлади. Милодий ҳисобда 100 йил хижрий ҳисобда 103 йил ҳисобланади.

Ислом дини тарқалган дунёнинг барча мамлакатларида хижрий камарий йил ҳисоби диний таквим сифатида қабул қилинган. Рўза, ҳайит, ҳаж қабиса исломий ибодатлар, айрим ойларида ўтказиладиган маросимлар шу таквим асосида олиб борилади.

Хижрий - камарий йил ҳисоби VIII асрдан бошлаб ислом дини, араб тили ва араб ёзуви билан бирга Туркистонга кириб қелди. XX аср биринчи чорагига қадар Туркистон халклари давлатнинг барча сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларида ва кундалик амалий ишларида хижрий - камарий йил ҳисобидан фойдаландилар.

Илмий - ижодий, китобат ишларида, ҳар қандай ёзма манбаларнинг яратилган вақтини қайд этишда хижрий-камарий йил ҳисоби қўлланди. Йил ҳисоби ҳар қандай ёзма манбалар, илмий ва адабий асарлар, мактублар расмий ҳужжатлар таркибида қелганда одатда сўз билан ёзилган. Котиблар йил ҳисобини икки хил қайд этганлар. Агар қотиб ўзи қўчирган асар охирига хотима берса китобат тарихини сўз билан ёзган. Агар қотиб китобат тарихининг ўзинигина қайд этиш билан чекланса сана (йил) ни рақам билан қўрсатган.

Хозирги илмий адабиётларда тарихий саналар, воқеалар хронологияси хижрий ва милодий ҳисобларда ёнма - ён ёки факат милодий ҳисобда берилади. Масалан: Алишер Навоийнинг таваллуд ва вафот саналари хижрий 844 йил 17 рамазон - 906 йил 12 жумоди-юссоний - милодий 1441 йил 9 февраль - 1501 йил 3 январь шаклида кўрсатилади.

Олимлар хижрий йилни милодий йилга айлантириш бўйича бир неча формулалар такдим этганлар. Бирок бу формулалар ой ва кунни аниқ кўрсатиб беролмайди. Шунинг учун илмда мумкин қадар аниқликка интилиш мақсадида хижрий 1-йилнинг 1-муҳарраминдан 1421 йилгача милодий 622 йилнинг 16 июлидан 2000 йилгача кунма-кун мутоносиблик (синхрон) жадваллари тузилган (В.В. Цыбульский. Современнме календари стран Ближнего и Среднего Востока. Синхронистические таблицы и пояснения. Москва изд-во "Наука", 1964. стр 11-114). Бундай жадваллардан фойдаланиш илмий тадқиқотда қулайлик ва ишончлилиқ тугдиради. Ўзбекистон мусулмонлари идораси 1944 йилдан бошлаб ҳар бир йил учун алоҳида хижрий ва милодий ҳисобнинг кунма-кун мутоносиблик жадвалини нашр этиб келади. Бу жадвал ҳам кенг халқ оммаси XX аср иккинчи ярмида жаҳонда юз берган муҳим воқеаларни хижрий ҳисоб билан қайси йил; қайси ой ва қайси кунда содир бўлганлигини билишда маълум аҳамиятга эга.

Милодий йил ҳисоби - ҳозирги вақтда дунёнинг кўп давлатлари томонидан амалда қабул қилинган расмий йил ҳисоби, таквим. Бу таквим Шарқ ва ғарб манбаъларида бир неча номлар билан аталади. Шарқда Исавий йил (пайгамбар Исо алайҳиссаломнинг номидан) милодий йил ҳисоби (милодий сўзи таваллуд - "туғилиш" сўзидан олинган. Бу сўз ҳам Исо пайгамбарнинг "туғилиши" билан боғлиқ) деб юритилади. Кўпроқ, милод, милод боши, милодий тарих, милодий йил ҳисоби, милодий таквим, милoddан аввалги, милoddан кейинги атамалари ишлатилади. Мазкур таквим ғарбда Оврупо таквими (даставвал Оврупо давлатлари қабул қилгани учун), христиан таквими (кўпроқ христианлар фойдалангани учун), Юлий таквими (Рим императори Юлий Цезарь ташаббуси билан қадимги мисрликлардан олингани учун), Григорий таквими (Рим папаси Григорий XIII томонидан 1582 йил 15 октябрда ислох этилгани учун) номлари билан аталади. Бу номлар орасида ҳозирги вақтда Григорий таквими, Григорий йил ҳисоби иборалари машҳур бўлиб кетган. Баъзи илмий адабиётларда юлий ва григорий сўзлари бириқиб юлий-григорий таквими деб ҳам айтилади. Милодий таквимга пайгамбар Исо алайҳиссаломнинг "туғилиши" тарих боши қилиб олинган ва бу тушунча жуда машҳур бўлиб кетган бўлса-да, аслида бу таквимга асос бўлган йил ҳисоби тизими милoddан анча аввал қадимги мисрликлар томонидан қўлланиб келар эди.

Оврупонинг энг қадимги маданий марказларидан бўлган Римда милoddан олдин ҳам йил ҳисоби мавжуд эди. Бу таквим Рим тарихи (Рим эраси) деб аталиб, Рим шахрига асос солинган кундан ҳисоблаб келинади. Рим таквими анча чалқаш бўлиб, бир йил 10 ойдан иборат бўларди, деҳқончилик ишлари билан машғул бўлинмайдиган киш вақти -2 ой йилга қиритилмас эди. Йил ҳисобини шу тартибда олиб бориш тарихий воқеаларнинг кетма-кетлигини, изчиллигини ҳисоблашда кўп қийинчиликлар тугдиради. Шуларни назарда тутиб Рим императори Юлий Цезарь милoddан аввалги 46 - йилда рим таквими ўрнига бир мунча муқкамал янги таквим - қадимги мисрликлар йил ҳисобини қабул қилади. Бу тадбир Рим императори Юлий Цезарь ташаббуси билан амалга ошади. Шунинг учун мазкур таквим тарихий манбаларда юлий таквими деган ном билан ҳам аталади. Таквимни римликлар "миллийлаштириб" ундаги атамаларни, хусусан ой

номларини лотин тилида атай бошлайдилар. Мазкур таквим ўрта аср шарк манбаларида румий таквими, румий йил хисоби, румий ойлари деб юритилади.

Абу Райхрн Беруний ҳам ўзининг машхур "Ал-осор ул-бокия ан ул курун-ул-холия" (кискача "Хронология") асарида милодий йил хисобига бир неча марта тўхтаб ўтади. У мазкур таквимни, румий таквими, румий йил хисоби деб атайди, бу таквимга биринчи марта кабиса йилини киритган Юлий Цезарь бўлади, деб ёзади. Беруний милодий йил хисобини кадимги халklarнинг катор йил хисоблари билан киёслайди, солиштиради. Олим милодий ойларнинг лотинча номларини юнонча талаффуз билан келтиради. 1. Январийус. 2. Фебририйус. 3. Мартийус. 4. Афилийус. 5. Моюс. 6. Юнийус. 7. Юлийус. 8. Афгустус. 9. Сентембрийус. 10. Тембрийус. 11. Новомбрийус. 12. Домбрийус.

Юлий Цезарь томонидан жорий этилган таквим Оврупонинг кўп мамлакатларида бирин-кетин қабул қилинди. У XVI аср охириларигача қўлланди. Юлий таквимида ҳам мавжуд бўлган айрим хатоликлар асрлар оша ортиб боради. Натижада 1580 йилга келиб юлий таквимидаги 21 март билан бахорги тенгкунлик орасидаги фарк 10 кунни ташкил қилади. Таквимдаги бундай катта фарк насроний байрамларининг кунини белгилашда чалкашликлар тугдирар эди. Шу боисдан юлий таквимино ислох этишга эhtiёж сезилди. Ўша вақтда Рим папаси бўлган Григорий XIII риёзиёт ва фалакиёт олимлари иштирокида таквим ислохоти хайъати тузилади. Хайъат юлий таквимининг камчиликларини ўрганиб чиқиб янги таквим лойиҳасини такдим этади ва амалда жорий қилинади. Бу ислохотга мувофиқ 1582 йил 4 октябрь-пайшанбадан кейинги кун 1582 йил 15 октябрь-жума деб эълон қилинади. Юлий таквимидаги кабиса йили қондаси асосан сакланади.

Шундан кейин бу таквим юлий таквими деб эмас, григорий таквими деб атала бошланди. Хозирги вақтда гарб илмий адабиётларида, йил хисоблари бўйича тузилган мутаносиблик (синхрон) жадвалларида мазкур атама ишлатилади. Аммо айрим ҳолларда олимлар юлий-григорий таквими деб ҳам қўллайдилар.

Григорий таквими 1582 йил 15 октябрдан эътиборан Италия, Испания, Португалия, Полшада расмий давлат таквими сифатида қабул қилинди. Овруподаги бошқа давлатлар XVI-XVIII асрларда Григорий таквимига ўтишди. Григорий таквими Россияда (шу жумладан Туркистон ўлкасида ҳам) 1918 йилда жорий этилди. Халқ Комиссарлар кенгашининг қарори билан 1918 йил 31 январь юлий таквимининг охири қуни - 1918 йил 14 февраль григорий таквимининг биринчи қуни деб қабул қилинди (Григорий таквими қабул қилингандан буён йигилиб қолган 3 кун ҳам бир йўла қўшилиб 13 кун олдинга сурилади).

Милодий йил хисоби ўрта асрлардаёқ шарк олимларига маълум бўлсада, ундан амалда фойдаланиш Туркистонга Россия истилоси билан бирга XIX аср иккинчи ярмида қириб келди. Маҳаллий тилларда тузилган айрим ҳужжатларда хижрий ва милодий йил хисоблари баробар қайд этилади. Милодий тарих саналаридан хабардор бўлган қотиблар ўзлари қўчирган қўлёзмаларнинг охирида хижрий ва милодий саналарни ёнма-ён ёзиб қўядиган бўлдилар. Чунончи милодий 1880 - хижрий 1298, милодий 1885 - хижрий 1303, милодий 1900 - хижрий 1318, милодий 1917 - хижрий 1336, милодий 1922 - хижрий 1341 қаб. Хар икки йил хисобидан ёнма-ён фойдаланиш XX аср биринчи чораги охириларига қадар давом этди. Сўнгра хижрий йил хисоби тушириб қолдирилиб фақат милодий хисоб расмий ва амалий таквимга айланди.

Милодий йил хисоби аслида Шарқдаги энг қадимги қуёш йили таквимларидан бири хисобланади. Ер қуёш атрофида 365 кун 5 соат 48 дақиқа 46 сонияда бир марта айланиб чиқади. Бу муддат бир тропик йил деб айтилади. Бир йилни ана шу муддат билан

хисоблаш кадимги мисрликлар таквимига асос килиб олинган эди. Демак, милодий хисобда бир йил 365 кун 6 соатдан иборат (5 соат 48 дакика 46 сония яхлитланиб 6 соат килиб олинади). Хар уч йил 365 кун 6 соатдан иборат (5 соат 48 дакика 46 сония яхлитланиб 6 соат килиб олинади). Хар уч йил 365 кундан - оддий йилни тўртинчи йил эса оддий йиллардан ортиб колган соатлар - 1 кун кўшилиб 366 кун - кабиса йилини ташкил килади. Бу йил хисоби кадимги дунё тарихида нисбатан аник таквим бўлганлиги учун уни юкорида айтилганидек Юлий Цезарь биринчи бўлиб Мисрдан Римга - Оврупога олиб ўтган эди.

Милодий йил хисобидаги ойларнинг тартиби, номланиши ва номланишининг сабаблари хамда кунлар миқдори куйдагича:

1. Январь - 31 кун. Кадимги римликлар худоси Янус номидан олинган.
2. Февраль - 28 кун (кабиса йилида 29 кун). Кадимги римликларнинг хар йили 15 февралда ўтказилган февруариус - халолланиш маросими номидан олинган.
3. Март - 31 кун. Кадимги римликларнинг уруш худоси Марс номидан олинган.
4. Апрель - 30 кун. Лотинча априлис "куёш билан истиладиган" деган маънони берувчи сўздан олинган.
5. Май - 31 кун. Кадимги римликларнинг Ер худоси Май номидан олинган.
6. Июнь - 30 кун. Кадимги римликлар худоси Юнона номидан олинган.
7. Июль - 31 кун. Кадимги рим императори Юлий Цезарь номидан олинган.
8. Август - 31 кун. Кадимги рим императори Август (Юлий Цезарьнинг набира жияни) номидан олинган.
9. Сентябрь - 30 кун. Лотин тилида еттинчи деган маънони беради. Кадимги Римда йил боши -биринчи ой мартдан хисобланган, Сентябрь эса йилнинг еттинчи ойи бўлиб келган.
10. Октябрь- 31 кун. Лотин тилида саккизинчи деган маънони беради. Кадимги Рим таквимида йилнинг 8-ойи.
11. Ноябрь - 30 кун. Лотин тилида тўккизинчи деган маънони беради. Кадимги Рим таквимида йилнинг 9-ойи.
12. Декабрь - 31 кун. Лотин тилида ўнинчи деган маънони беради. Кадимги Рим таквимида йилнинг 10-ойи.

Милодий йил хисобида йилнинг бошланиши турли даврларда хар хил бўлган. Чунончи, кадимги Римда 1-март Россияда (1700-йилгача) 1-сентябрь йил боши бўлган. Хозирги вақтда дунёнинг хамма ерида милодий йил хисобида йил боши 1-январдан бошланади. Илгарилари тарихчилар ўз халкларининг тарихини ёритганда асосан шу халкнинг ўтмиши билан чекланар, бошка халклар тарихига - умумий тарихга камрок мурожаат килар эдилар. Мазкур тарихчилар воқеалар солномасини ёритишда ўзларининг азалдан кўллаб келган (агар бўлса) анъанавий таквимлари - йил хисобини кўллар эдилар. Инсоният тарихининг кейинги даврларида хусусан XIX асрдан бошлаб ахвол бутунлай ўзгарди. Дунёдаги сиёсий, иктисодий ва маданий воқеалар айрим халкларни кизиктириб колмай, балки жамики халкларнинг диккат - эътиборини торта бошлади. Энди дунёдаги барча маданий халклар ўз тарихларини умум дунё тарихи билан боглаб ўргана бошладилар. Шунинг учун жахон халклари ўрта асрлардан бошлаб дунё тарихи учун ягона таквим бўлиб хизмат килиб келаётган милодий йил хисобини маъкул кўрдилар ва шуни танладилар. XX аср бошларигача жахондаги йирик мамлакатлар милодий таквимга ўтиб бўлган эди. XX аср давомида айрим шарк мамлакатлари ўзларининг анъанавий таквимларини хам саклаган холда милодий йил хисобини кабул килдилар. Хозирги

вактда жахон халклари ўзаро сиёсий, иктисодий, маданий алоқаларнинг ҳамма турларини милодий йил ҳисоби асосида олиб борадилар. Милодий йил ҳисоби Бирлашган миллатлар ташкилоти амал қиладиган ягона жахон таквими ҳисобланади.

М. ХАКИМОВ